

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 129 (10.938) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари, туманлар «Оила» марказлари раҳбарлари ҳамда нодавлат нотижорат жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида уюштирилган тадбир «Ўзбекистонда оилаларни мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш ҳақида» деб номланди.

● **КЕЧА** Абу Райхон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университетиде фан-техникани янада такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган илмий тажрибаларнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуманда ёш олимлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан партия фаоллари, ёшлар иштирокида уюштирилган семинар ҳуқуқий демократик жамият қуришда хотин-қизлар фаоллигини ошириш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилинганлигининг аҳамиятига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** тарихи Давлат музейида юртимизнинг кўҳна тарихига оид экспонатлар кўргазмаси намойиш этилди.

● **КЕЧА** «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан экологлар иштирокида уюштирилган анжуманда юртимизда экологик вазиятни барқарорлаштиришнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди.


● **КЕЧА** Чилонзор туманида туман фаоллари, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида ўтказилган тадбир «ОИТСсиз келажак сари» деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат педиатрия институтида шифокорлар иштирокида «Она ва бола саломатлиги» — ижтимоий гигиеник ўлчамларда» деб номланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МАМЛАКАТИМИЗ СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХЛАР, ХУСУСАН, ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШГА ДОИР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ СИЁСАТИ ЖАҲОНДА КЕЧАЁТГАН ЖАРАЁНЛАРГА ТўЛА МОС, ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ МОҲИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИНИ ЎЗИДА ТўЛА АКС ЭТТИРАДИ. ИНСОН ХАЁТИГА ҲАМИША БУЮК НЕЪМАТ СИФАТИДА ҚАРАБ КЕЛГАН ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ ҲАМ ШУНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 1 августда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони бунинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўининчи ялпи мажлисида ушбу жараёнинг қонуний асослари янада мустаҳкамланди. Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан



АЙНИ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АБИТУРИЕНТЛАРДАН ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ҚИЗГИН БОРМОҚДА. АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ҚАЛБИНИ ЧЕКСИЗ ҲАЯЖОН ВА ҚУВОНЧ ЭГАЛЛАГАН. КЕЛГУСИДА ЎЗЛАРИ ОРЗУ ҚИЛГАН СОҲА ЭГАСИ БўЛИШ МАҚСАДИДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ЎҚИШГА КИРИБ, ЧУҚУР БИЛИМ ОЛИШГА АСТОЙДИЛ НИЯТ ҚИЛМОҚДАЛАР.



Абитуриент — 2007

ҲАЯЖОНЛИ ВА ҚУВОНЧЛИ ПАЛЛА

Абу Райхон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университети мамлакатимиздаги олий ўқув юртлири орасида катта салоҳиятга эга бўлган, етук мутахассис кадрлар тайёрлаб берадиган таълим масканларидан саналади. Бугунги кунда университетнинг қабул бўлимлари абитуриентлар билан гавжум.

— Барча олий ўқув юртлирида бўлгани каби Тошкент Давлат техника университетида ҳам абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратилган. Шу боис илгари бир жойда ҳужжат қабул қилинган бўлса, ҳозир ҳар бир факультетда алоҳида ҳужжатлар қабул қилиш йўлга қўйилган. — дейди мазкур институт қабул комиссиясининг масъул котиби Маъруф Мусаев. — Ҳар бир факультетда қабулга оид бўлган барча меъёрий ҳужжатларнинг тўлдириш шартлари кўрсатилган. Шунингдек, Президентимизнинг қабулга оид Қарорлари, тест ўтказиш тартиблари оилиб қўйилган. Шу кунгача университетга абитуриентлардан 115 та ҳужжат келиб тушди. Бу миқдор кундан кунга ошиб бормоқда. Режа бўйича бу йил бакалавриатурага

1745 та, магистратура бўйича 384 нафар талаба қабул қилинади. Университетда иқтисод-муҳандислик, тоғ-кон геология, нефть ва газ, электрон ва автоматика, энергетика, механика-машинасозлик факультетлари мавжуд бўлиб, ушбу факультетларга республикамизнинг барча вилоятларидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан абитуриентлар ҳужжатларини топширмоқдалар. Шунингдек, қабул комиссиясида маслаҳатчилар ҳар бир абитуриентга ҳужжатларини топширишда йўл-йўриқ кўрсатиб уларга яқиндан кўмак беришмоқда. Ўтган йилдагидек бу йил ҳам ҳарбий хизматни ўтаб тавсиянома билан келган йигитлар 25 фоиз имтиёзга эга бўладилар, шунингдек, Давлат мукофоти совриндорлари, олимпиада ғолиблари ҳам имтиёзга эгалар.

Дарҳақиқат, бу йил абитуриентларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қабул жараёнилари ҳар бир факультет биносиде алоҳида ташкил этилганлиги диққатимизни тортди. Абитуриентлар ҳеч қандай муаммосиз, бемалол ҳужжатларини топшириб, керакли маслаҳатларни сўраш имконига эгалар.

— Мен университетнинг иқтисод-муҳандислик факультетига ҳужжатларимни топширдим, — деди ўзини Камолитдин Муҳидинов деб таништирган абитуриент. — Қабул жараёнида илгари одам тирбанд бўлиб, қийинчилик билан ҳужжат топширилди. Ҳозир бу ерда яратилган шарт-шароитларни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Мақсадим шу университетда ўқиш, билим олиш ва келажакда мамлакатимиз иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Ҳукуматимиз томонидан ёшларга яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланишимиз, ҳар томонлама билим олиб, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишимиз керак, деб ўйлайман.

Ҳа, айна дамба қалби олам-олам орзу-мақсадларга тўлган абитуриентларга биз ҳам келгуси синов имтиҳонлариде омад ёр бўлишини тилаймиз.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Тошкент Давлат техника университетиде абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш жараёнидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг сенаторлар томонидан маъқулланиб, қабул қилингани бу фикрнинг исботидир.

— Қабул қилинган ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг юқорида номи қайд этилган фармони ижросини таъминловчи асосий меъёрий ҳужжатдир, — дейди юридик фанлари доктори Одина Зокирова ЎзА мухбирига. — Қонунчилигимизга жиноий жазолар тизимидан ўлим жазоси чиқариб ташланиб, унинг умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилишини таъминлайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қабул қилинган қонунда ана шу жазоларни тайинлаш, ижро этиш тартиби белгилаб берилди.

Шу ўринда жиноят қонунчилигининг инсон манфаатларига хизмат қилишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар бугун ўз самарасини бераётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, жиноий жазоларнинг изчиллиги билан босқичма-босқич либераллаштирилиши бо-

расида амалга оширилаётган ишлар жамиятимиздаги муҳитни соғломлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Халқимизнинг кечиримлилик, багиркенглик ва инсонпарварликка асосланган кадриятларини ўзида муҷассам этган ярашув институти жорий этилганидан буён минглаб фуқаролар судланшдан асраб қолинди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларининг яна бир амалии самарасидир. Уни қўллашнинг босқичма-босқич камайирилиши ва, ниҳоят, бутунлай воз кечилиши жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналишидир.

Президентимизнинг 2006 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойиши бу борада амалга оширилган ишлар самарадорлиги таъминланишида

муҳим омил бўлди. Шу асосда олий жазога оид ислохотлар моҳияти аҳолига атрофлича тушунтирилгани ва олиб борилган кенг қамровли тадбирлар натижаси ўлим жазосининг бекор қилинишига оид меъёрий ҳужжатларнинг қонун даражасида мустаҳкамланиши учун замин яратди.

Мазкур қонун Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан тўғри ва собитқадамлик билан сиёсат юритаётганининг яна бир исботи бўлди. Қонун асосида жазолар тизимида жиноятларнинг фақат икки таркиби учун, яъни жавобгарлики оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун ўлим жазоси ўрнига умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилмоқда.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва бу борада олиб борилаётган ишлар халқимизнинг тинч-осойишта, адолатли, қонун устувор бўлган демократик давлатда яшашига хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд вилоят ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказида «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш» мавзуда республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

● Термиз туманидаги «Паттақесар» қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш пунктида бандлик мавзуда ўқув семинари ўтказилди. Тадбир доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Ярмаркада 40 та корхона, ташкилот ва муассаса 300 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашиб, шу кун 50 талабгор ишга жойлашди.

● Фаргона политехника институти қошидаги Маънавият тарғибот маркази негизида миллий гоё ва мафкура, маънавий-маърифий ишлар методологик маркази ташкил этилди.

● Конимех туманидаги «Қарағата» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида минерал сувни қадоқлайдиган «Аквавиус» кичик корхонаси ишга туширилди.

● Қашқадарё вилояти, Яқкабоб туманининг тоғолди ҳудудида жойлашган «Ниҳол» болалар оромгоҳида санъат ва спорт байрами ўтказилди.

● «Ҳамшира-2007» кўрик-танловининг Наманган вилоят босқичи якунланди. Унда 8 нафар ҳамшира 5 та шарт бўйича билим, маҳорат, тажриба ва дунёқарашларини синовдан ўтказдилар.

● Ўзбекистон Футбол федерацияси, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида илк бор пляж футбол бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари ташкил этилди. Унда эркаклар ва аёллардан ташкил топган 8 тадан жамоа 2 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашмоқда. Ўзбекистон кубогининг соҳиблари эртага маълум бўлади.

● Термиз археология музейида «Қайтарилган бойликлар» номи кўргазма бўлиб ўтмоқда. Ушбу кўргазмада Сурхондарё божхона бошқармаси ходимлари томонидан хорижга олиб чиқиб кетилаётган пайтда ушлаб қолинган қумуш буюмлар ва тангалар намойиш этилмоқда.

● Бухоро Давлат университетиде «Дин ва ёшлар» мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими Кенгаши ташкил этган ушбу тадбирга Бухородаги барча олий ўқув юртлири талабалари таклиф этилди. Анжуман доирасида «Тошкент—Ислам маданияти пойтахти», «Ёшлар — юрт келажиги», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзуларида маърузалар тингланди.

● Термиз археология музейида «Қайтарилган бойликлар» номи кўргазма бўлиб ўтмоқда. Ушбу кўргазмада Сурхондарё божхона бошқармаси ходимлари томонидан хорижга олиб чиқиб кетилаётган пайтда ушлаб қолинган қумуш буюмлар ва тангалар намойиш этилмоқда.

● Бухоро Давлат университетиде «Дин ва ёшлар» мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими Кенгаши ташкил этган ушбу тадбирга Бухородаги барча олий ўқув юртлири талабалари таклиф этилди. Анжуман доирасида «Тошкент—Ислам маданияти пойтахти», «Ёшлар — юрт келажиги», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзуларида маърузалар тингланди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Исроил ҳарбийлари Фазо секторига кириб, ХАМАС гуруҳининг уч нафар жангарисини ўлдириди. Мазкур амалиёт Фазо секторининг жанубий қисмидаги ал-Марозин қочқинлар лагерида амалга оширилди.

● Кеча Франция полицияси мамлакатнинг собиқ бош вазири Доминик де Вильпеннинг уйида тинтув ўтказди. Гап шундаки, Вильпен сайловлардан олдин Франциянинг амалдаги Президенти Никола Саркозини қоралашда айбланмоқда.

● Россия Федерацияси собиқ федерал хавфсизлик хизмати ходими, ҳозирда тадбиркор Андрей Луговойни Литвиненко иши бўйича Буюк Британияга экстрадиция қилмаслигини билдирди. Шу масалада кеча Россияда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Луговой Б.Березовский ва А.Литвиненкои Англия разведкасининг ходимлари сифатида тасвифлаб уни ёллашга ҳаракат қилганликларини билдирди.

● Исломободдаги Лаъл масжидида юзага келган қонли воқеалар туфайли шаҳарда комедантлик соати эълон қилинди. Кечанингда ўзида масжидда яширинган 1200 га яқин радикал кайфиятдаги талаба ҳукумат кучларига таслим бўлди.

● Британия полицияси Глазго ва Лондонда кўпорувчиликлар уюштиришни режалаштиришда гумон қилинганларнинг барчасини қўлга олди. Ҳиссага олинган 8 нафар шахснинг келиб чиқиши Осиё ва Яқин Шарқдан бўлиб, уларнинг касби шифокордир.

● Хитойнинг Ляонин музофотидаги карооке-барда рўй берган кучли портлаш оқибатида 25 киши ҳаётдан кўз юмди, 33 нафар одам оғир тан жароҳати олди. Ҳозирча портлаш сабаблари номаълум.

● Кеча Колумбиянинг кўплаб шаҳарларида миллионлаб аҳоли «Фарк» радикал исёничи гуруҳи томонидан ўғирлаб кетилган 3000 га яқин кишиларнинг озодликка чиқарилишини сўраб норозилик намойишига чиқишди.

● Ирландиянинг Дублин шаҳри яқинида кеча ўтказилган ўсмирлар регатасида ҳавонинг тўсатдан ўзгариши натижасида 90 та қайиқ ағдарилиб тушган. Қирғоқ кўриқлаш хизмати ҳамда ҳарбий денгиз флоты ҳарбийларининг саъй-ҳаракатлари билан барча 120 нафар ўсмир эсон-омон кутқариб қолинди.

● Франциянинг Ривьер шаҳри атрофларида 1000 гектар майдонда кучли ўрмон ёнгинлари давом этмоқда. Ёнгинлар атрофдаги бир нечта курорт шаҳарчаларига хавф солаётган бўлиб, ҳозиргача 1800 нафар сайёҳ хавфсиз жойларга кўчирилди. Ёнгинни бартараф этишда ўт ўчирувчиларга бир нечта вертолёт ёрдам бермоқда.

● Италиянинг Турин шаҳрида бундан роппа-роса 50 йил аввал ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва халқ орасида катта эътибор қозоний конвейердан 3 миллион 680 миң донаси чиқарилган афсонавий «Фиат-500» кам литражли автомобиласининг қайта замонавий ишлаб чиқарилган моделининг тақдироти ўтказилди.

АУЛИ ЖУЛИАНТО:

«МАМЛАКАТЛАРИМИЗДА УЛКАН ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД»

ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙИЧА БОШ ДИРЕКТОРИ (ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ ДАРАЖАСИДА) ПРИМО АУЛИ ЖУЛИАНТО МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛДИ.

Ташриф доирасида республикамизнинг қатор вазирлик ва идораларида учрашув ҳамда музокаралар ўтказилди, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Ташриф дастури тизим бўлишига қарамай, Аули Жулианто жаноблари «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбат учун бажонидил розилик билдирдилар.

Шу боис биз бу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш айниқса муҳимдир, деб ҳисоблаймиз.

Музокараларда икки томонлама савдо алоқаларини янада мустаҳкамлаш имкониятларини кўриб чиқдик. Бунинг учун мамлакатларимизда барча зарур шарт-шароитлар, улкан иқтисодий имкониятлар ва ҳар икки томонда ҳам хоҳиш-интилишлар мавжуд.

Биз ҳамкабларимиз билан расмий делегациялар, шунингдек, мамлакатимизнинг ишбилармон доиралари вакиллари ташрифларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратдик. Айнан ишбилармонлар ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда кўприк бўлиб хизмат қилади. Улар қоғозларда белгиланган келишувларни ҳаётга тадбиқ этдилар. Икки мамлакат тадбиркор-

лари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи керак.

Муносабатларимизнинг яна бир муҳим жиҳати — таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидир. Ҳозирги пайтда Индонезия ажратган грантлар асосида 50 нафардан зиёд ўзбек талабаси Индонезия олий ўқув юрталарида тахсил олмақда. Биз ўзбекистонлик талабалар учун яна грантлар ажратилиши мўлжаллаганмиз. Ушбу ташрифимиз чоғида, шунингдек, ўзбекистонлик дипломатларнинг Индонезияда малака оширишини ташкил этиш имкониятларини ҳам муҳокама қилдик.


Мен Тошкент шаҳрининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилин-

ганидан хабардорман. Шу муносабат билан таъкидлашни истардимки, бу нафақат пойтахтингиз, балки бутун Ўзбекистоннинг ислом дини, маданияти ва илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасининг муносиб эътирофи бўлди. Индонезия аҳолиси Муҳаммад пайгамбаримиз ҳадисларини чуқур ўрганиб, тўплаган йирик аллома — Имом ал-Бухорийни жуда яхши билади, ҳурмат қилади ва қадрлайди. Индонезия мусулмонларининг диний дунёқараши айнан ўша табаруқ диний арбоб асарлари таъсири остида ривожланган.

Ўқорида айтиб ўтганимдек, Индонезияда Ўзбекистонга, унинг тарихий ва диний меросига нисбатан катта қизиқиш билан қарашади. Бу эса икки мамлакат сайёҳлик тизими вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун жуда яхши турткидир.

Бундан ташқари, Индонезияда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича катта тажриба мавжуд. Биз ҳамкабларимизга бу соҳада жуда жозибали шарт-шароитлар яратишни тақлиф этишимиз мумкин. Ишончлигимиз комилки, Ўзбекистон тез орада энг жозибали субминтақавий сайёҳлик марказларидан бирига айланади.

Бобур СОБИРОВ
ёзиб олди,
«Жаҳон» АА



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР

Тулки, гар ортида арслон тургуси,
Бир уриб, йўлбарсни ҳам ағдаргуси.

Гар қуёш ул кўкда порлар бир ўзи,
Не эмиш олдида юзлаб юлдузга?

Мингта сичқон тўпланиб, гавго қилур
Йўлини тўсгай мушук қўрқмайди ул.

Биттамас, юз мингта сичқон бўлса ҳа
Бир мушук олдида ожиздир, адам.

Подадан қасосбга етгайму малол?
Уйқуни тўсгайму ҳеч ақлу ҳаёл?

Кўр қилур зумрад илоннинг кўзини.

Йўл топиб, душманларингни дўст қил

Мулки илми мулки ҳуснидин азиз.

Ул адоватким, рақибингдин етар,
Тангрининг қаҳри сифотин акс этар.

Кўрдинг ўзни—бўлмади маъқул сенга
Бўйлаким ойна бўлди ул сенга.

Ўз ўзинга баски кўрсатди сени,
Урмағил, синдирма ул ойнани.

Нурли юлдуз сувга солмиш шўласи
Сочма тупроқ ул ёрғу юлдузга сен.

Халқни сув деб бил мусаффою зило.
Унда акс этгай сифоти Зулжалол.

Кечдилар не-не замонлар, эй киром
Лек маъоний барқарор бардавом.

Шул замин кўксига порлаб, тўсга ку
Мен юзимни кўкка бургаймен нечун

Мардни кўр, кўрпа-тўшак узра шу тс
Рухи лек авжи фалақда офтоб.

Завқни дилдан изла, сиртдан излам:

Тўлса гийбатга қулоқнинг тешиги,
Ланг очилгайди раҳаннам эшиги.

Яхшилик этсанг, келур навбат сенга
Юзланур юз ҳикмату роҳат сенга.

Гар ёмонлик айласанг, фиску фасод
Роҳатинг кетгай адамга шул заҳот.

Ўғлининг кўзу қароғидин ниҳон
Сув ичар ота дарахти ҳар замон.

Ўғриқин чалди, матоҳи бир қуни
Дор оғочи остига элтар уни.

Дилда дардинг борки, нур андин керб.

Бир ишга кириш-да, айла жон бир жа-
дал,

Ҳай, йўқса омонатлар эшик очмасли
Уй ичра қумушланиб кўпирган чаш
Уйдин нарида оққан ариқдин афзал

Не омонатдир, уни кўрмоқ керак.
Неки олдинг, қайтариб бермоқ керб

Яхшидир юрсанг балолардин йирок

Тинглангиз мендин бу панди беғар:
Хавф-хатарлардин тийилмоқ сизга йрз.

Улки ошиқ эрмас, ул этгай галат,
Сув ичаркан, ўзни кўргайдир фақат

Мань этилган нарсага ўчидир киши.

Турфа-турфа нозу неъматларки боғ
Аслида бир нарса, этсанг эътибор.

Биттаси бирлан магар тўйсанг тамс
Тортмағай, бўлса яна эллик таом.

Бир неча гулшанга бордик гул учу
Гул кўринганлар тикон эрмиш буту

Фойда деб елдинг-юғурдинг сен фат,
Ўзни зиндон ичра кўрдинг оқбат.

Чоҳлар қаздинг бировларга, қудуқ,
Лек ўзинг тушдинг қудуққа, эй қур.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёган

«ИСУЗУ» — ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ «ДЎСТЛИК» МАВЗЕСИДАН «ЯНГИОБОД» БОЗОРИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг бево-сита ташаббуси билан мазкур йўналиш учун ҳар томонлама қулай ва ихчам бўлган ўн та «Исузу» русумли автобус ажратилди. Айни пайтда улар аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлади.

—Аваллари мазкур 104-йўналиш бўйича аҳолига «Лаз», «ЛиАЗ» сингари транспорт тур-лари хизмат кўрсатарди,—дейди биз билан суҳ-батда «12-автобус саройи» акциядорлик жами-яти раиси Қудратилла Зикиров.—Улар аҳолига нафақат намунали хизмат кўрсата олмасди, бал-ки тез-тез бузилгани ҳолда корхонамиз иқтисо-диётига катта зарар ҳам етказаятганди. Энди-ликда бундай ҳолларга бутунлай барҳам берил-ди. Янги замонавий, ихчам автобусларнинг қулайлиги орқали кунлик ва ойлик нақд пул топ-шириш режаси ортиги билан уддалана бош-ланди. Энг муҳими эса ушбу йўналиш бўйича аҳоли ши-коятларига ўрин қолмади.

Ўйлаймики, аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ўз са-марасини беради.



Усмон УСМОНОВ

СУРАТДА: 104-йўналиш бўйича қатнаётган янги «Исузу» русумли автобуслар аҳоли узоғини яқин қил-моқда.

Муаллиф олган сурат

Семинарлар

ЛИФТДАН ТЎҒРИ Фойдаланайлик

ПОЙТАХТИМИЗДА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ ОДАМ ВА ЮК ТАШИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ—ЛИФТДАН Фойдаланади. БЕМИННАТ ДАСТЁР—ЛИФТДАН ТЎҒРИ Фойдаланиш Қоидаларига Амал Қилиш, БОЛАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ РАВИШДА ҚАЙСИ ЁШДАН ЛИФТДА ЮРИШЛАРИ, ЛИФТЛАРНИНГ ХАВФСИЗ, БИР МАРОМДА ҲАРАКАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА КИМЛАРНИНГ ХИЗМАТИДАН Фойдаланиш Лозимлиги ҳамда БОШҚА КЎПЛАБ БОШҚА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ХУСУСИДА КУНИ КЕЧА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

Мазкур тадбир Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасининг катта мажлислар залида «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси ташаббуси билан ташкиллаштирилди. Семинарда туман ҳокимликлари, «Тошкентлифт» Давлат унитар корхонаси, «Технасистем», «Лифтуниверсал», «KASP», «Лифт СПЕТС» масъулияти чекланган жамиятлари каби 20 тага яқин махсус лифт-монтаж корхоналари, ша-ҳар, туманлар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкат-лари уюшмалари раҳбарлари, соҳа мутахассислари қатнашди.

Ушбу семинарни олиб борган «Саноатконтехназо-рат» Давлат инспекцияси бошлиғи Бахтиёр Фуломов қатнашчиларнинг диққатини аввало мазкур тадбир-дан қўзланган мақсадга қаратди.

— Шаҳримиздаги кўп қаватли уйлар лифтларидан фойдаланиш у қадар мушкул эмасдай туюлади, — деди Б.Фуломов,— лекин бу маъишӣ техник восита-сидан нотўғри фойдаланиш, ўрнатилган қоидаларга қатъий амал қилмаслик, айниқса 12 ёшгача бўлган болаларнинг катталарнинг назоратсиз лифтдан фой-даланиши (аксарият ҳолларда нотўғри) бахтсиз ҳо-ди-саларга олиб келиши мумкинлигини ҳар бир фуқаро ёдда тутиши керак. Оддий (баъзида катталарга ҳам шундай туюлади) қоидаларга амал қилмаслик қандай оғир оқибатларга олиб келишини фарзандларимизга атрофлича тушунтиришимиз муҳим вазифаларимиз сирасига кирди. Боиси, ёнги таътиллар мавсумида фарзандларимиз кўпчунга уйларда қаровсиз қо-ли-шади...

Лифтлар ишини назорат қилиш унинг эгалари—уй-жой мулкдорлари зиммасида. Уларга хизмат кўрс-ати-ш эса инспекция руҳсатномасига эга бўлган кор-хо-на, ташкилот ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарларига топширилади. Бу масала-да ҳар бир фуқаро ўз фарзандларининг хавфсизли-гини таъминлашга масъулдир. Иккинчидан, лифтлар-дан қанчалик тўғри фойдалансак, уларнинг яроқли-лик, яъни фойдаланиш муддати ҳам шунчалик узая-ди, таъмирталаб бўлмайди.

Семинарда «Тошкент шаҳридаги лифт ҳўжалиги ахволи» мавзусида «Тошкентлифт» Давлат унитар корхонаси раҳбари С.Дайбловский, «Йўловчи ташии лифтлари қурилмаси» мавзусида «Лифт СПЕТС» масъу-ли-я-ти чекланган жамияти бошқаруви раиси Н.Моро-зов, «Лифтларнинг техник ҳолатини тасдиқловчи ҳў-жатлар» мавзусида «Лифтуниверсал» масъулияти че-кланган жамиятининг етакчи мутахассиси С.Сиров ҳамда «Лифтлар эксплуатацияси, реконструкция, таъмирлаш, монтаж қилишга руҳсатнома бериш ҳамда рўйхатдан ўтказиш» мавзусида «Саноатконтехназорат» Давлат ин-спекцияси инспектори Х.Юсуповлар сўзга чиқиди.

Ушбу тадбир давомида қатнашчиларни қизиқ-тирган барча саволларга раҳбар ва етакчи мутахас-сислар жавоблар қайтариди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

БЕКАТНИ БАНД ҚИЛМАНГ

Тадбиркорликка очилган кенг йўл ху-сусий транспорт воситалари ҳайдовчи-ларига ҳам, йўловчиларга ҳам қулайлик-лар яратди. Негаки, бугунги кунда зарур бўлиш билан кўчага чиқсангиз, борар жойингизни айтиб, қаҳга келишсангиз бўлди, автобус кўтиб саргайиб турмай-сиз. Хизматингизга шай турган енгил ма-шиналарда бир зумда манзилингизга ета-сиз, сиз ҳам, ҳайдовчи ҳам хурсанд.

Биз айтмоқчи бўлган гап масаланинг ижобий томони албатта. Лекин энг асо-сийси эса ушбу қулайликнинг нохуш то-монлари ҳам йўқ эмас. Бу хусусий авто-мобиль ҳайдовчиларининг пойтахтимиз-нинг кўпга бекатларида жамоат транс-порти тўхтайдиган жойни банд қилиб, ҳам йўловчиларга, ҳам йўналишдаги ав-тобус ва троллейбусларга ҳалақат бе-риб, ноқулайлик туғдираётганидир. Айниқса эрталабки ва кечки йўловчилар

Мени кўриб болаларига ўшқира кетди.

—Бу ким?
—Мусофир экан, адашиб қолибди,— дейишди улар.

—Менинг у билан ҳеч қандай ишим йўқ. Айтинг, ҳозир жўнаб кетсин.
Бошқа гапга ҳоҳат йўқ эди. Тун бўли-шига қарамай, ўша хонадонни тарк эт-дим. Йўл юриб эртасига тунда яна бир хонадон эшиги олдида тўхтадим. Ночор эшикни қоқсам бир аёл чиқди.

—Ким бўласан, ярим тунда нега биз-ни безовта қиласан?—деб ўшқирди.

—Мен мусофирман, йўлим олис, им-кон бўлса бир кеча шу ерда тунасам,— дея илтимос қилдим.

—Менинг сен билан ҳеч қандай ишим йўқ. Ҳозир келган ерингга жўна,—дея мени ҳайдаб солди. Шу пайт ичкаридан аёлнинг эри чиқди. У хотинидан:

—Ким экан?—деб сўраган эди. Хотини:

—Мусофир экан, жой сўраб келибди,— деди. Эри менга:

шов шокилдали қофта, сочларини айт-майсизми, қоп-қора сочларини атайлаб сарик, кўнғир рангларга бўяб олишган. Бу ҳам етмагандек қизларнинг оғзидан чиқаётган беҳаё сўзлардан ёқа ушла-сиз.

Уша кун бу ҳолдан кайфиятим бузи-либ уйга қайтдим. Кечки пайт бир тани-шимга телефон қилишим зарур эди. Бир неча бор кўнғирок қилиб туша олмадим. Телефон банд бўлаверди. Орадан маъ-лум фурсат ўтгандан кейин яна кўнғир-ок қилдим. Энди ўртага икки аёлнинг суҳбатлашаётгани тушиб, уларнинг гап-лари баралла эшитилиб турарди. Ярим соат ўтган, қайта кўнғирок қилишга маж-бур бўлдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишон-манг яна ўша аёллар бир-бирларига дар-ду ҳасратларини тўкиб олишарди, ким-ларнингдир ғийбатини қилишарди. Но-қулай бўлса ҳам бир зум уларнинг гап-ларига қулоқ тутдим.

—Ҳа қирилсин, у жувонмарг шунақа асабимга тегаяти. Эр бўлмай қора ер бўлсин, топган пули ўзидан ортмайди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

оқими тизиг пайтларда бирин-кетин бе-катларга келиб тўхташи лозим бўлган транспорт воситалари ушбу ноқулайлик натижасида ё бекатга етмай, ёки ундан анча нарига ўтиб тўхтади. Йўловчилар эса дам уёққа, дам бу ёққа югуришарди. Ишга шошилаётган одамнинг бундан аса-би қақшаши, кайфияти бузилиши турган гап. Ахир у кун бўйи ишлаши керакку.

Шу ўринда яна бир савол туғилади. Хусусий транспорт воситаларининг ай-нан бекатларда тўхтаб туриши тўғриси? Бу борада тегишли ташкилотлар чора-тадбирлар кўришса, албатта унинг нати-жаси жамоат транспорт ҳайдовчиларини ҳам, йўловчиларни ҳам мамнун этар эди, деган фикрдаимиз.

МЕҲМОН ОТАНГДЕК УЛУФ

Даврада меҳмондўстлик, ҳасислик, меҳр-оқибат, одамийлик ҳақида баҳс бо-рарди. Биродаримиз Аҳмад ота: «Тор-тишманлар, яхшиши мана бу ибратли ҳикояни эшитинглар», дея диққатимиз-ни ўзига қаратди.

— Узоқ юртдан қайтаётиб, бир киши билан танишиб қолдим. У менга қизиқ бир воқеани айтиб берди.

— Сафарда кетаётиб адашиб қолдим,— деди ҳамроҳим ҳикоясини бошлаб.—Бир уйга етиб келиб тун бўлгани учун тунаб қолмоқчи бўлдим. Хонадон соҳибни бир ёққа кетган бўлиб, уйда хотини ва бола-чақалари бор экан. Улар:

— Келинг меҳмон, хизмат? Сизни бир-оз танимайроқ турибмиз, имкон бўлса ўзингизни таништирсангиз, — деб сўрашди.

— Мусофирман, адашиб қолдим,—де-дим мен.

Аёл ва болалари мени уйга тақлиф қилишди. Бир зумда олдимга дастурхон ёзиб хилма-хил таомлар келтириб қўйишди. Овқатланиб ўтирсам, уйнинг хўжайини—аёлнинг эри келиб қолди.

—Хуш келибсиз меҳмон, бемалол ки-раверинг, марҳамат,—дея ичкарига та-қлиф этди. Кейин мени яхшилаб зиёфат қилди. Шу орада мен кула-кула кечаги воқеани айтиб, мени уйдан ҳайдаб чи-қарган киши ҳақида гапириб бердим. Шунда у менга:

—Ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Кечаги қўноқ бўлган уйингиздаги аёл ва унинг болалари менинг синглим ва жиянларим бўлади. Уша аёлнинг эри эса ҳозир сиз-ни ашиқ тағидан ҳайдаб солган хотинчи-нинг акаси бўлади,—деб жавоб берди.

Ҳикояни тинглаб бўлган, даврадаги-лардан кимдир «Куш уясида қўрганни қилади», деганлари шу бўлса керак-да, деб кўйдди.

КИМ КИМДАН ЎРНАК ОЛАДИ?

Ёшлиқда ота-боболаримиздан эшит-ган панду насиҳатларимиз ҳали ҳам қулоқларимиз остида жаранглайди. «Кат-таларга гап қайтарма, қаерда бўлма ёши улугларга жой бер. Хушмуомала бўл, ҳар бир гапнингнй ўйлаб гапир, мактанчоқ бўлма, камтарин ва меҳнатсевар бўл, кат-талар гапирганда одоб сақлаб жимгина эшит» каби пурҳикмат гапларни бола-ларга албатта ёшлиқдан гапириб, қуло-ғига қўйиш зарур. Ҳозирги айрим ёшлар-га қараб туриб, уларнинг ота-онаси қаер-га қараяпти ўзи, кийиниши, сўзлашиш одоби нима учун бунчалар ўзгариб кет-ди деб ҳайрон қолсан киши. Наҳотки юқориди келтирилган панду насиҳатлар-ни уларга ота-оналари ёшлиқдан ўргат-маган бўлсалар?

Ҳақиқатда автобусда бораётиб уч-тўртта ёшгина қизларнинг ёнида туриб қолдим. Салонда одам сийрак бўлгани учун қиз-ларнинг бир-бирлари билан суҳбатлари атрофдагиларга баралла эшитилиб ту-рарди. Аввало қизларнинг кийинишлар-ини кўриб наҳотки шулар ўзбек қизла-ри бўлса деб ўйланиб қоласиз. Тизза-ларига ёпишган тор жинси шим, беў-




Кўрғазмалар

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖИ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА КОРЕЙС МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИНИНГ КўРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Кореялик миллий либослари жамияти томонидан ташкил этилган бундай кўрғазма юртимизда илк бор ўтказилмоқда.

ни буйича ихтисослашган корейлик профессорлардир. Хамшаҳарларимизда катта қизиқиш уйғотаётган ушбу кўрғазманинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки унда «Хванг Дин И» машҳур сериалидаги кийим-кечаклари тайёрлаган таниқли корей анъанавий либослари дизайнери Ким Хе Сун ҳам ўз моделлари билан қатнашмоқда.



Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: корейс либослари кўрғазмасининг очилиш маросими ва ундан ўрин олган либослар тўплами. Козим Улмасов олган суратлар

Шаҳримиз оромгоҳларида БУНДА ЁШЛАР ТОПАДИ КАМОЛ

Ўқувчиларнинг ёзги дам олиш таътиллари мазмунли ташкил этиш, оромгоҳларда маълум қасбга йўналтирувчи тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш ўқитувчи-мураббийлардан ўзига хос тажриба, малака, билим ва савияни талаб этади.

Бундан яхши англаган Юнусобод туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЕИХ туман бўлими жамоаси яна бир савобли ишга қўл уришди.

235-мактаб қошида фаолият бошлаган «Гунча» болалар ёзги оромгоҳи ана шу хайрли ишларнинг самарасидир.

Кунги кеча ушбу дам олиш мусаннининг очиلىш маросими зўр тантана, ҳурсандчиликлар билан ўтказилди. Унда ўқитувчи-мураббийлар, ёзги ҳордиқ чиқариш онларини мароқли ўтказиш ниятида бўлган болажонлар, уларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

—Болажонлар бизнинг келажагимиз,—дейди Юнусобод туман халқ таълими бўлимига қарашли 235-мактаб директори Мўмина Сулаймонова биз билан суҳбатда.—Шу боис тумандаги барча жонқуяр ўқитувчилар, ўз қасбига садоқатли мураббийлар болажонларимизнинг мазмунли, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни муҳайё этишга ўз ҳис-сасларини қўшмоқдалар. Бу борада албатта, мутасадди ташкилотларнинг ҳам катта улуши бор.

Оромгоҳнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази директори Саодатхон Худойкулиева, «Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши раиси Махсуджон Асамов ва бошқалар мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг келажи, камолоти борасида олиб борилаётган сай- ҳаракатлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Айтиш жоизки, Юнусобод туман халқ таълими бўлими тасарруфида 6 та мактабдан ташқари тарбия муассасалари мавжуд бўлиб, улардаги энг таърибли, малакали ўқитувчи-мураббийлар туманда ташкил этилган ёзги оромгоҳларда ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқариш онларини мазмунли ўтказишларига ўз ҳиссасларини қўшмоқдалар. Янги фаолият бошлаган «Гунча» оромгоҳида УЎТИМдан Дурдона Абдуқодирова, УИМдан Гўлсина Уруновалар шулар жумласидандир. Ҳозирда тумандаги барча мактабларда ёзги соғломлаштириш майдончалари ташкил этилган бўлиб, мактаблардан учтасида ёзги дам олиш оромгоҳлари фаолият юритмоқда.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ТОКИОДА ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ НАШР ЭТИЛДИ

«МАҲАЛЛА МУҲИТИ: МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎЗГАРАЁТГАН МАДАНИЯТ ВА ЖАМИЯТ» - ТОКИО УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ШАРҚ МАДАНИЯТИ ИНСТИТУТИДА ШУ НОМЛИ КИТОБ ЯПОН ТИЛИДА БОСМАДАН ЧИҚДИ. 350 САҲИФА, 7 ҚИСМДАН ИБОРАТ БЎЛГАН УШБУ САЛМОҚЛИ МОНОГРАФИЯ МУАЛЛИФИ ЦИКУБА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ДОЦЕНТИ, ВАТАНДОШИНИЗ ТЕМУР ДАДАБОВЕДЖИР.

Тадқиқотдан қўзланган асосий мақсад Марказий Осиёда кенг тарқалган жамоатчилик институти — маҳалланинг аҳамиятини ўрганиш билан изоҳланган. Бинобарин, маҳаллий жамоатчилик даражасида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларнинг ечимида бу институт муҳим аҳамият касб этади.

«Ҳозирги пайтда мамлакат минтакаларида жамият қурилишининг янги шаклларига ўтиш буйича тузилмаларни ислохотлар амалга оширилмоқда, деб таъкидланади тадқиқотда. Шу боис улар дуч келинаётган осойишталик ва барқарорлиқни таъминлаш масалаларига, амалга оширилаётган қатор демократик ва бозор муносабатлари ўзгаришларига тўла мосулади. Айнан маҳалла қарама-қаршиликлар ўсишининг олдини олиш ва кўпгина муҳим муаммоларни бошлангич босқичдаёқ ҳал этиш имконини бермоқда».

ёсий ва иқтисодий ҳаётида унинг ўрни ва ролини кучайтириш ишида Ўзбекистон тўплаган бой тажрибага алоҳида эътибор қаратилган. Китобда маҳалла институтини ривожлантириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида унинг ўрни ва аҳамиятини ошириш юзасидан Ўзбекистон тўплаган тажрибага алоҳида эътибор қаратилган. «Ўзбекистонда ҳозирги пайтда янги жамоатчилик институти яратилаётгани баробарида амалда мавжуд бўлган ана шундай институтлар тақомиллаштирилмоқдаки, улар орасида албатта, маҳалла алоҳида ўрин тутаяди, деб ёзилади китобда. Республикада маҳалла институтини ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда. Бунга нафақат маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларига кенг имкониятлар берувчи қонунчилик меъёрлари, балки яқунланган йиллардан бирини Ўзбекистонда маҳалла йили, деб эълон қилингани ҳам далил бўла олади. Булар ушбу ўзига хос ноёб жамоатчилик институтининг ривожига янги туртки берди. Маҳалла йили доирасида мамлакатда катта ўзгаришлар рўёбга чиқарилди».

Китобда, шунингдек, минтақа мамлакатларида тинчлик ва барқарорлик, этник ва динлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш маҳаллий ҳамжамият даражасидаги барқарорликсиз асло мумкин эмаслиги қайд этилар экан, бунда турли этник ва диний гуруҳлар вакиллари биланлаштириш муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланади.

Юрридагилардан ташқари, япон ўқувчилари Марказий Осиё мамлакатларининг бошқа ижтимоий, диний ва сиёсий институтилари мисолида маҳаллаларнинг ҳозирги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳолати таҳлили билан ҳам танишишлари мумкин.

«Жаҳон» АА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА!!! 17 июндан бошлаб Тошкентда илк бор ЖАҲОН ЦИРКИНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ ХИНДИСТАН ФИЛЛАРИ, ЎРГАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАРИНИНГ КАТТА ГУРУҲИ, АФРИКАНИНГ ҚОРА ТАНИЛИ АКРОБАТЛАРИ, ПОЛЬША, РУМИНИЯ ВА МДХ ДАВЛАТЛАРИ ПОЙТАХТЛАРИ ЦИРКЛАРИНИНГ АРТИСТЛАРИ УЛКАН ҲАЛҚАРО ДАСТУР!!! ШОШИЛИНГ! КЎНФИРОҚ ҚИЛИНГ! КЕЛИНГ! Чипталар цирк кассаларида соат 9.00 дан 18 гача ҳамда тарқатувчилар томонидан сотилади. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-32-23, 144-35-94.

Квартирани суткалик (бир кеча-кундуз) усулда ижарага бераман. 157-62-48, 332-64-65.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Мунажжим башорати 7 ИЮЛЬ, ШАНБА Бугун, мунажжимларимиз фикрича, янги ишга қўл уришнинг мавриди эмас. Қуёш тақвими кунни кўпроқ оила даражасида ўтказишни такозо этади. Мухим ҳужжатларни имзолаш, ёзма равишда мажбуриятларни зиммага олиш яхши бўлмайд.

Бугун болалар, қариялар ва ногиронларга ёрддам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш савобли иш бўлади. Оймоманинг самодани ҳолати одамларда тажовузорлик, бузуқчилик ва зўравонликка мойилликни кучайтиради.

Кунги жамоавий тадбирларда қатнашиш ва кўпчилик фикри, куч-ғайратини қийин вазифаларни ҳал этишга йўналтиришга даъват этади. БУГУН: — сафар ва саёхатларга отланиш, таътилга чиқиш; — илоҳи борича тўйиб ухлаб, яхши дам олиш; — ўзингиз ёқтирган ишлар билан машғул бўлиш; — мураккаб масалаларни телефон ёки бошқа алоқа воситалари ёрдамида ҳал этиш тавсия этилади.



ДУШАНБА, 9

- «Ўзбекистон» 15.00 «Ташлинома». 15.45 «Ватанпарвар». 16.45 «Эртақлар — яхшиликка етаклар». 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 17.15 «Истикбол сари йўл». 17.45 «Ёшликда ўргансанг хунар». 18.05 «Оханглар оғушида». 18.15 «Умр дафтари». 18.35, 4.40 «Минг бир ривоят». 18.40 «Ошин». Т/с. 19.10 «Сизнинг адвокатингиз». 19.15 «Юртим кишилари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Уч бека». Т/с. 21.40 «Шарқ тароналари». 22.00 «Мухаббат гўшаси». Т/с. 23.00 «Қўшигимсан, мухаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.10 «Икки тақдир». Т/с. 23.55 Тунги наволар. 00.20 «Нодира». 00.50 «Самарқанд — 2750». 1.35 Олтин мерос. 1.45 «Янги кун». 3.15 «Чемпион сирлари». 3.35 «Эшиклар». 4.35 «Маргилон — 2000». 4.45 «Меҳробдан чаён». 5.30 Тонгги наволар.

«Ёшлар»

- 7.00, 14.30 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Давринг боласи». 9.15, 20.50 «Зерда». Сериал. 9.55, 18.55, 21.55 «Икким». 10.00 «Давр ҳафта ичида». 10.30 Таътил тўғрисида: «Тилсимой — гаройиб қизалоқ». 11.40 «Афросиёб афсоналари». 12.00, 22.50 «Пуаро». Сериал. 12.50 «Мафтунок ва бетакрор!». 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 13.30 «У ким? Бу нима?». 13.50 «Болалар табассуми». 14.00, 19.30 «Мухаббат ва эхтирос». Сериал. 16.15 «Бу байрам — барчамизники!». 16.20 «Якшанба нуноштаси». 16.40 «Journal». 17.00 «Эрта сунган юлдузлар». 17.20 «Нафосат олами». 17.30 «Мўъжизавий дунё». 18.20 «Кино SMS». 18.25, 20.10 «ЎЗЕХ хабарлари». 18.35 «Ҳазил мулки». 18.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик». 24.00 Сериал «Крадудийси в ноћи». 1.00 Х/ф «Глушитель». 20.30 «Ҳеч нима ҳақида биткилар». 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка».

«Тошкент»

- 17.55 М/ф «Шумтакалар». 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 18.50 «Ғадалупе». Т/с. 19.30 Музыка SMS. 19.50 «Будьте здоровы». 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 20.20 «Как это работает?». 20.50 «Интервью». 21.00 «Жизба». 22.10 «Аёл қалби». 22.45 «Кино SMS со звездами». 22.50 Кино «Поцелуй на удачу».

«Спорт»

- 7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Талкин». 8.35 «Малахов +». 9.30 «Детективы». 10.00 «Версия». 10.30 «Детский спорт». 10.50 «Танцы с павлинами». Д/ф. 11.15 Велоспорт. Тур де Франс. 11.45 Баскетбол. Чемпионат мира. 15.10 Футбол. Кубок Азии. 17.15 Футбол. Дневник кубка Азии. 17.45 «Музыкальный обзор». 18.05 «Футбольное обозрение». 18.30, 21.30 «Хабарлар». 18.50 «Королевы спорта». 19.10 «Жди меня». 20.00 «Чужие тайны». Сериал. 20.50 ПрорИНГ. 21.50 «Оптом дешевле». Х/ф. Первый канал. 4.00, 8.05 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.30 Новосты. 8.35 «Малахов+». 9.30 «Контрольная закупка». 10.00 «Агент национальной безопасности». Сериал. 11.15 «Поле чудес». 12.25 «Детективы». 13.25 «Фазенда». 14.15 «Понять. Простить». 14.50 «Лолита. Без комплексов». 15.55, 3.10 «Федеральный судья». 17.15, 2.30 «Жди меня». 18.05 «Татьянин день». Сериал. 19.00 «Две судьбы». Сериал. 20.00, 2.00 Время. 20.30 «Девять жизней Нестора Махно». Сериал. 21.30 «Наши дети в чужих руках». 22.40 «На ночь глядя». 23.30 «Гении и злодеи». 24.00 «Подлинная история Анки-пулеметчицы». 1.00 Фильм «Дожди».

«Россия»

- 4.00 «Доброе утро, Россия!». 7.00 Т/с «Государственная граница». 9.45, 3.40 Вести. Дежурная часть. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. 10.30, 13.20, 16.20, 19.45 Местное время. Вести-Москва. 10.50 Т/с «Старые дела». 11.50 Т/с «Закон». 13.40 «Том и Джерри. Детские годы». М/с. 14.05 «Винни-Пух». М/ф. 14.15 Т/с «Марш Турецкого». «Синдикат киллеров». 16.40 Т/с «Танго втроём». 17.40 Т/с «Ангел-хранитель». 18.40 «Кулагин и партнеры. Лучшие дела». 20.05 «Спокойной ночи, малыши!». 20.15 Сериал «Тайная стража». 22.10 Фестиваль «Славянский базар - 2007». 23.10 «Вести+». 23.30 «Очевидное-невероятное». 24.00 «Честный детектив». 00.40 «Дорожный патруль». 00.50 Фильм «Северные зори». 2.00 Канал «Европьюс».

«НТВ»

- 5.00 «Сегодня утром». 7.10 «Следствие вели...». 8.00 Сериал «Воскресенье в женской бане». 9.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня». 9.25 «Их нравы». 10.00 «Кулиарный поединок».

11.00 «Квартирный вопрос».

- 12.00 «Сегодня». 12.40 Сериал «Кодекс чести-2». 14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие». 15.30, 00.35 Сериал «Возвращение Мухтара». 18.40 Сериал «День гнева». 19.40 Сериал «Расписание судьбы». 20.40 Сериал «Бальзаковский возраст, или все мужики сво...». 22.10 Сериал «Зона». 24.00 «Победившие смерть». Д/с. 2.20 «Криминальная Россия». 2.45 Комедия «Веселые ребята». 4.35 М/с «Богатенький Ричи-2».

«СТС»

- 7.00 «Семейка Тофу». 7.45 «Винни-Пух». 7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф. 8.00 «Чудеса науки». 8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня». 9.00, 21.00 «Дочки-матери». Сериал. 10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях. 11.00, 00.30 Комедия «Вся такая внезапная». 11.30 «Дедушка моей мечты». 12.30, 24.00 «Безмолвный свидетель». Детектив. 13.30 «Дорогая Маша Березина». Сериал. 14.30 «Вокруг света за 80 дней». М/ф. 15.05 «Соник Икс». 15.30 «Пинокио». 16.00 «Шаман Кинг». 16.30 «Шой Тома и Джерри». М/ф. 17.00 Комедия «Лиззи Магайер». 17.30 «Галилео». 19.00 Комедия «Кто в доме хозяин?». 20.00 «Сваха». 22.00 Кино «Как выйти замуж». 1.30 «Загадочные места». «Дельфы, Греция», «Петроглифы». 2.25 «Непредсказуемая Сюзанна». 3.15 «Мальчишки и девчонки». Сериал. 5.00 «Миссия ясновидения». 5.40 «Настоящие дикари». Сериал.

«ТВ-3»

- 7.00 Победоносный голос. 7.30 Российские мультфильмы. 10.00 Х/ф «Красавицы короли». 12.00 Х/ф «Линия нападения». 14.00, 19.00 Самые смешные моменты жизни. 14.30, 19.30 Растительная жизнь. 15.00 Х/ф «Леви Макбет Мценского уезда». 16.45 Х/ф «Отец невесты». 20.00 Х/ф «Мои счастливые звезды». 22.00 Х/ф «Там, где деньги». 24.00 Сериал «Крадудийси в ноћи». 1.00 Х/ф «Глушитель». 3.00 Культ наличности. 6.00 Релакс.

СЕШАНБА, 10

- «Ўзбекистон» 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 2.55, 4.00 «Ахборот». 8.40 «Уйла, Йазла, Топ!» «Кундуз амакининг қиссалари». М/с. 9.45 Халқ чолғу оркестрларининг фестивали. 10.10, 20.10 «Уч бека». Т/с. 10.45 «Сизнинг адвокатингиз». 10.50, 00.50 «Самарқанд — 2750». 11.15, 20.05 «ТВ шифокор». 12.10 «Андижон томонлари». 12.50, 22.00 «Мухаббат гўшаси». Т/с. 13.45, 17.15 Олтин мерос. 14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 15.10 «Шарқ тароналари». 15.30 «Закват». 16.25 «Мозий сирлари». 16.45 «Эртақлар — яхшиликка етаклар». 17.25 «ИИВ хабарлари». 17.40, 4.35 «Маргилон — 2000». 17.50 «Худудлар ҳафта». 18.05 «Оханглар оғушида». 18.15 «Умр дафтари». 18.35, 4.40 «Минг бир ривоят». 18.40 «Ошин». Т/с. 19.10 «Банк ва бизнес янгиликлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 21.40 Эркин мавзу. 23.00 «Қўшигимсан, мухаббат». (SMS. Овоз бериш). 23.55 Тунги наволар. 00.20 «KINOMANIYA». 4.45 «Меҳробдан чаён». 5.30 Тонгги наволар.

«Ёшлар»

- 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 16.15 «Бу байрам — барчамизники!». 16.20 «Ватанпарвар». 17.20 «Нафосат олами». 17.30 «Мўъжизавий дунё». 18.20 «Кино театр». 18.55, 21.55 «Икким». 19.30 «Мухаббат ва эхтирос». Сериал. 20.10 «JOKER» телелотереяси. 20.20 Самарқанд шаҳрининг 2750 йилмечиси. 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Пуаро». Сериал.

«Тошкент»

- 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35, 18.50 «Ғадалупе». Т/с. 9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет». 9.35 «Лучший друг». 10.55 «Аёл қалби». 11.10, 19.30 «Музыка SMS». 11.30, 12.30, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 11.50 «Интервью». 11.50 «Будьте здоровы!». 12.00 «Всё о туризме». 12.40 Кино «Поцелуй на удачу». 17.55 М/ф «Топилмалар идораси». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.50 «Химоя». 20.20 «Как это работает?». 20.50 «Репортаж». 21.00 «Жизба». 22.10 «Премьера». 22.45 «Кино SMS со звездами». 22.50 Кино «Братья Гримм».

«Спорт»

- 7.00 «Бодрое утро». 8.00, 10.00, 21.30 «Хабарлар». 8.20 Мультфильм. 8.35 «Малахов +». 9.30 «Детективы». 10.20 «Детский спорт». 10.35 Кураш. 10.55 Велоспорт. Тур де Франс. 11.25 Теннис. Турнир Уимблдона. 15.15, 17.25 Футбол. Кубок Азии.

17.15 «Спорт клуб».

- 19.30 Футбол. Дневник кубка Азии. 20.00 «Чужие тайны». Сериал. 20.50 «Музыкальный тайм». 21.10 «Футбол мундиал». 21.50 «Испытание Ахилы». Х/ф. 22.50 Футбол. «Копа Америка».

«Первый канал»

- 4.00, 8.05 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.30 Новости. 8.35 «Малахов+». 9.30 «Контрольная закупка». 10.00 «Агент национальной безопасности». Сериал. 11.15, 20.30 «Девять жизней Нестора Махно». Сериал. 12.25 «Детективы». 13.25 «Фазенда». 14.15 «Понять. Простить». 14.50 «Лолита. Без комплексов». 15.55, 3.05 «Федеральный судья». 17.15 «Пусть говорят». 18.00 «Татьянин день». Сериал. 18.55 «Две судьбы». Сериал. 20.00, 2.00 Время. 21.30 «Мама вышла замуж». 22.45 «На ночь глядя». 23.35 «Доброй ночи». 00.45, 2.30 Фильм «Черная вдова».

«Россия»

- 4.00 «Доброе утро, Россия!». 7.00 «КГБ. Легенды». «Вымпел». 7.55, 20.15 Сериал «Тайная стража». 9.45 Вести. Дежурная часть. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести. 10.30, 13.20, 16.20, 19.45 Местное время. Вести-Москва. 10.50 «Суд идет». 12.00 Т/с «Закон». 13.40 «Том и Джерри. Детские годы». М/с. 14.05 «Винни-Пух идет в гости». «Винни-Пух и день глядя». М/ф. 14.35 Т/с «Марш Турецкого». «Синдикат киллеров». Часть 2-я. 16.40 Т/с «Танго втроём». 17.40 Т/с «Ангел-хранитель». 18.40 «Кулагин и партнеры. Лучшие дела».

- 20.05 «Спокойной ночи, малыши!». 22.10 «Пари из нашего «Городка». 23.10 «Вести+». 23.30 Фестиваль «Славянский базар - 2007». 00.55 Комедия «Служащий месяца». 2.30 «Дорожный патруль». 2.40 Т/с «Вход в лабиринт».

«НТВ»

- 5.00 «Сегодня утром». 7.10 Сериал «Чужое лицо». 8.00 Сериал «Воскресенье в женской бане». 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня». 9.25 «Чистосердечное признание». 10.00 Сериал «Охота на гения». 12.30, 18.40 Сериал «День гнева». 13.30, 19.40 Сериал «Расписание судьбы». 14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие». 15.30, 2.20 Сериал «Возвращение Мухтара». 20.40 Сериал «Бальзаковский возраст, или все мужики сво...». 22.10 Сериал «Зона». 23.10 «Тор gear». 23.40 «Кабаре «Сто звезд». 00.45 Фильм «Проект 281». 3.50 Сериал «Джоуи-2». 4.35 М/с «Богатенький Ричи-2».

«СТС»

- 7.00 «Семейка Тофу». 7.45 «Винни-Пух идет в гости». М/ф. 7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф. 8.00 Комедия «Чудеса науки». 8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня». 9.00, 21.00 «Дочки-матери». Сериал. 10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях. 11.00, 00.30 Комедия «Вся такая внезапная».

«ТВ-3»

- 7.00 Победоносный голос. 7.30 Российские мультфильмы. 10.00 Д/ф «Чандар, черный леопард Цейлона». 12.00 Х/ф «Вэнди Ву: Пуленепробиваемая». 14.00, 19.00 Самые смешные моменты жизни. 14.30, 19.30 Растительная жизнь. 15.00 Х/ф «Урок литературы». 16.45 Х/ф «Отец невесты-2». 20.00 Х/ф «Внужденная месь». 22.00 Х/ф «Убийство в Гросс-Пойнтене». 24.00 Сериал «Крадудийси

